Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 15 (4570) // 2020-yil 10-may

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам уруш ва меҳнат фахрийлари!

Аввало, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, сизлар билан бирга бундан роппа-роса бир йил муқаддам азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида муҳташам Ғалаба боғини барпо этишга қарор қилган эдик. Ушбу қароримиз замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мужассам экани сизларга яхши маълум.

Ҳудога минг бор шукрки, эл-юртимиз дилидаги ана шу эзгу ният ижобат бўлиб, улуғ айём кунларида уруш ва меҳнат фахрийлари билан Ғалаба боғида ва "ойнаи жаҳон" орқали диддор кўришиб турибмиз.

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган бу бетакрор мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.

Мана шу улкан майдонда қисқа муддатда жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида Ғалаба боғи, "Шон-шараф" музейи, "Мангу жасорат", "Матонат мадҳияси" монументлари бунёд этилди. Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг кўламли тарихий-бадиий экспозициялар яратилди.

Агар вақт имкон берганда эди, уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин бўларди.

Уруш давридаги жанггоҳларни эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий қўмондонларимиз, ўзбекистонлик барча ботир жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб "Мангу жасорат" деб номланган улуғвор монумент барпо этилди.

Замонавий музей санъати ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида "Шон-шараф" музейи бунёд қилинди. Бу ерда намойиш этилаётган минглаб тарихий экспонатлар буюк Ғалабага буюк ҳисса қўшган халқимизнинг мислсиз жасоратини тараннум этишга, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Биз бугун уруш йилларида халқимиз кўрсатган беқиёс қаҳрамонликни улуғлайдиган, ўзида она Ватан тимсолини мужассам этган "Матонат мадҳияси" монументи пойига гулчамбар қўйиб, фидойи юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирдик. Шуни айтиш керакки, ушбу ёдгорлик мажмуасига қандайдир бадиий образ эмас, балки хаётимизда чиндан ҳам бўлган тарихий воқеа – мўътабар бир инсон ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Мен ўтган йили 9 май байрамида Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган Зулфия Зокированинг ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга соладиган инсоний жасорати ҳақида сўз юритган эдим.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, Зулфия ая ёлғиз ўзи беш ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказган. Иккинчи жаҳон урушида Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳамаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон деган бешта азамат ўғлидан жудо бўлган.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ҳар қандай инсонни ҳам яксон қилиб ташлайдиган бундай оғир зарбага чидаш мумкинми? Лекин матонатли, метин иродали ўзбек онаси бу чексиз қулфатга бардош бера олди.

Уруш туфайли Зулфия Зокированинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Онаизор умрининг охирига қадар сув келса – симириб, тош келса – кемириб, қаҳрамон ўғилларининг азиз хотираси билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, юртнинг ташвиш ва қувончлари билан яшади.

Зулфия аянинг меҳр-оқибатли келинлари ҳам ундан ўрнак олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолди – бошқа турмуш қурмади.

Мана, бугунги даврамизда Зулфия ая Зокированинг қариндошлари – ҳурматли Раҳимжон Аҳмаджонов, Фарҳод Маҳамаджонов, Маърифат Аҳмаджонова, Саноат Маҳмудова, Мавлуда Холматова иштирок этмоқдалар. Бошларига тушган оғир қийинчиликларни мардона енгиб, Зулфия ая ва оталарининг хотирасини пок сақлаб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу юртдошларимизга барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Мен ўтган йилги байрамда ўзбек аёллари, ўзбек халқининг мана шундай буюк жасорати, сабру бардошига бағишлаб, "Матонат мадҳияси" деган монумент барпо этишни таклиф қилган эдим. Кенг жамоатчилигимиз, халқимиз бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлади.

Шу мавзуда ижодкорларимиз кўплаб мақолалар, шеър ва достонлар яратмоқдалар.

Бу ҳақда гапирганда, мен "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан яратилган "Илҳақ" бадиий фильми тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Истеъдодли ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов суратга олган ушбу ажойиб фильмни мен кеча жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилдим. Халқимиз ҳаётининг энг оғир, энг фожиали даврига бағишланган бу асар том маънода қаҳрамонлик қасидаси бўлиб, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ларзага солади.

Даҳшатли уруш туфайли беш нафар баходир ўғлидан айрилган, умрининг охиригача фарзандларини илҳақ, яъни интизор бўлиб кутган Зулфия Зокирова сиймосида ўзбек оналари, ўзбек аёлларига мансуб энг буюк фазилатлар ниҳоятда теран ифода топган. Биз бу бадиий гўзал асарни бугунги улуғ байрам кунида барча телеканалларимиз орқали кенг намойиш этишга қарор қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бутун халқимизни, айниқса, ёшларимизни мана шу фильмни оила даврасида кўришга, унинг қаҳрамонларидан ўрнак олишга даъват этаман.

Катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида "Матонат мадҳияси" деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга, оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади.

Бу ерга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қонида, суягида бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улуғ инсонлардан тарбия ва ибрат олади, деб ишонаман.

Айтиш керакки, қисқа вақт ичида, айниқса, карантин шароитида Ғалаба боғи деб ном олган бу улкан мажмуани барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қийинчиликларга қарамасдан, моҳир қурувчи ва меъморларимиз, муҳандислар, турли соҳа мутахассислари, рассом ва ҳайкалтарошлар, азамат ёшларимиз бу вазифани ўзлари учун савобли бир иш деб билиб, туну кун фидокорона меҳнат қилдилар. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ушбу бетакрор мажмуа 9 май байрамига қуриб битказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу ғоят эзгу ишга чин юракдан ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номимдан, эл-юртимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ғалаба боғи, Хотира, Қадр-қиммат боғи ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Азиз фахрийлар!

Бугунги қутлуғ айёмда барчамиз, аввало, ўз жонини она юрт учун қурбон қилган ватандошларимизнинг руҳи поклари олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Сизлар каби минглаб уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларини – азму шижоатли, довюрак ота-боболаримиз, сабр-матонатли оналаримиз, момоларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

►2

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу шонли сана муносабати билан 9 май куни пойтахтимизда ўтказилган байрам тадбирларида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида барпо этилган Ғалаба боғига ташриф буюрди.

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида ғалабани таъминлашга улкан ҳисса қўшган. Лекин бу жасоратни бор қўлами билан кўрсатиб берадиган яхлит мажмуа йўқ эди. Ўтган йили Президентимиз улкан боғ барпо этиб, халқимиз қаҳрамонлигини абадийлаштириш ташаббусини илгари сурган эди.

Шундан сўнг, илмий-ижодий жамоатчиликнинг таклифлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида бадиий-меъморий концепция ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги лойиҳалар билан бир неча бор танишди. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 12 гектардан зиёд жой ажратилиб, улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ғалаба боғи ҳар бири алоҳида мавзуга эга бўлган икки қисмдан иборат. Биринчисида ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштирокидан лавҳалар, иккинчисида фронт ортидаги республикамиз ҳаёти акс этган.

Президентимиз дастлаб «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Бу ёдгорлик қандайдир бадиий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа – мўътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳамаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, ўз оиласига содиқ қолган, бошқа турмуш қурмаган.

Ўтган йилги Хотира ва қадрлаш кунида давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатиш ҳамда унга "Матонат мадҳияси" деб ном бериш таклифини билдирган эди. Бу ташаббусни жамоатчилигимиз қизғин қўллаб-қувватлади. Шу мавзуда мақолалар, шеърлар ва бадиий фильм яратилди.

Бугун Ғалаба боғининг марказида ушбу муаззам обида қад ростлаб турибди.

– Бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг конида бўлган фазилатларни англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг мудҳиш, энг бешафқат тўқнашув бўлган. Жангу жадаллар Европа, Осиё ва Африка қитъаларида, ҳавою океанларда кечган. Баъзи маълумотларга кўра, бу урушда жами 85 миллионгача инсон ҳалок бўлган. Ер юзи беҳисоб вайронагарчилик ва қаҳатчиликка юз тутган.

Давлатимиз раҳбари аввалги чиқишларида Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган ҳиссасини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан сўнг бу борада катта илмий тадқиқотлар қилинди. Илгари ёпиқ бўлган тарихий ҳужжатлар ҳам ўрганилди. Чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорлик натижасида қаҳрамон аждодларимиз ҳақида янги маълумотлар қўлга киритилди.

Масалан, шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

►2

Салим Ашур

ҒАЛАБА БОҒИ

Оламда кўп эрур боғ, хиёбонлар,
Жаннатга тутгулик ҳар бир бутоғи.
Юртга тухфа этди мард зиёбонлар –
Ғалаба рамзи бу – Ғалаба боғи.

Жаҳоннинг бир чети нураган, вайрон,
Яна бир томони – ёмондан яхши.
Барини шопириб гувлар тегирмон...
Ғалаба боғи бу – Ғалаба нақши.

Истиқлол, ҳар онинг ўтсин омонда,
Сени қуршаган бу даврон – боғ эрур.
Тарих айтадики, ҳар не замонда
Жасорат ҳам асли юксак тоғ эрур.

Не-не талотўплар кечган қасрда –
Дунёда адолат қуёш ёнликдир.
Йигирма биринчи – нотинч асрда
Ғалаба боғи – бу қаҳрамонликдир.

Турфа юлдузларга тўлар каҳкашон,
Карвонлар ўтади кечмишлар олиб.
Аждодлардан мерос буюк шавкат, шон,
Ўзбек, Ўзбекистон ҳар куни ғолиб.

Халқим юришларда музаффар бўлган,
Ҳар қадам – янгича бунёдкорликдир.
Энг буюк чўққилар муяссар бўлган,
Ғалаба – юртимга мангу ёрлиқдир.

Улкан дарсхонадир бу музайян боғ,
Бунга қадам қўйган барча – талаба.
Кўринг, авлодларга мангулик сабоқ –
Ватаним қозонган буюк ғалаба.

Минглаб меҳр-шафқат, минглаб жасорат,
Минглаб вафотлару минглаб ҳаётлар,
Соғинч – дилдаги энг чуқур асорат...
Юрагимдан ўтар қирғинбаротлар.

Туташ дарёлардан сув ичган диёр –
Сафдош ва елкадош оёққа қалқди.
Қурашда чархланди виждон, номус, ор,
Қасос байроқ бўлиб юксакда балқди.

Соямас, ёнида шум ажал чопган,
Ўқни ёрдан кўра кўпроқ билган эр,
Кўзини саболар, юлузлар ёпган.
Ўзининг ўқидан ҳазар қилган Ер...

Оталар, оналар... қайтмаган ўғлон.
Етим болалардек ғамгин саҳарлар.
Ватаннинг парчаси – тепалик, қўрғон.
Култепага дўнган қишлоқ, шаҳарлар.

Жангчи суяклари бўлмади таслим,
Ёнмади жонига туташган шинел.
Отам юрагида кўринди аслим,
Отамнинг қалбидан чиқиб келди эл.

Ёш-қари бошидан чақин сочтирди,
Жаҳоннинг Иккинчи улуғ уруши.
Буюк Ғалабани яқинлаштирди,
Чошга қўшилган ул ўзбек улуши.

Ўзга тупроқларда қолган оғалар –
Олти юз минг ўғлон шу боққа қайтди.
Дарёга қўшилди ҳайрон жилғалар,
Ҳайкаллар Инсонга ташаккур айтди.

Энди чуқур чоҳда кул бўлсин кулфат,
Яшнасин юртимнинг порлоқ шукуҳи.
Ғолиб халқлар билан қадрдон, улфат
Ғолиб миллатимнинг музаффар руҳи.

Мўътадил иқлимлар кўрмасин хорлик.
Ҳар амал яраша ҳақин олади.
Тошкент бағридаги шу боғ ёдгорлик,
Тинчликка ёдгорлик бўлиб қолади.

Бу боғ авлодларга қолгай пойдор.
Навқирон пойтахтнинг ўз ярашиғи.
Асрлар боғи бу, бу ғолиб сардор,
Ўзбекистонимнинг кўз қорачиғи.

Кўкдан кўчиб тушди Боғи Эрамлар,
Таскин излаб келди Бобил боғлари.
Маҳзун хотирадек ёғар шабнамлар,
Ёғар ёниб кетган умр чоғлари.

Ғамгин томошага саф тузди фалак,
Қуёшни меҳмонга юборди осмон.
Буюк келажакка туташ ҳар йўлак,
Буюк заҳмат билан Ватан чароғон.

Довруг таратгандир етти иқлимга
Темурбек боғлари, Бобур боғлари.
Нур бериб турибди идрок, ақлимга
Ватаннинг абадий нурчироқлари.

Китобингдан ўчсин урушлар доғи,
Сенга таъзим қилсин шу юрт, шу замон,
Доим яшнаб турсин Ғалаба боғи,
Умринг узун бўлсин, эй Ҳаёт, боғбон!

►3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-саҳифада

Афсуски, карантин туфайли сизларнинг барчангизни бу гўзал масканга, бугунги тантанали маросимга олиб келолмадик. Лекин мана шундай муқаддас ва шукуҳли кунда ҳаммамиз руҳан, қалбан сизлар билан биргамиз.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг аксарияти ҳозир вилоятларда, ҳарбий округларда, бошқалари эса ўз хонадонларида оила аъзолари билан 9 май байрамини нишонламоқдалар. Улар "ойнаи жаҳон" орқали бугунги тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб бормоқдалар.

Сизларнинг ҳаммангизни – марказда ва жойлардаги байрам тадбирларида иштирок этаётган, шунингдек, ушбу тантанали маросимни уйларида "ойнаи жаҳон" орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган фидойи инсонларни улуғ айём билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман. Сиз, азизларнинг барчангизни ғойибона бағримга босиб, бугунги эркин ва озод ҳаётни таъминлаш йўлида кўрсатган мардлигингиз, Ватанга садоқатингиз учун ўз номимдан, халқимиз номидан раҳматлар айтиб, энг эзгу ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўзининг доно маслаҳатлари, бой ҳаётий тажрибаси билан ҳаммамизга устоз ва дуогўй бўлиб юрган мўътабар инсонларни кўрамиз. Сизларнинг ҳар бирингиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳаёт йўлларида дуч келаётган турли қийинчилик ва муаммоларни, ҳозирги қунда бошимизга тушган синовларни енгиб ўтишда биз сизларнинг мислсиз сабот ва матонатингиздан, қатъиятингиздан доимо қуч ва ибрат оламиз. Ёш авлодимизни Ватанга, халққа садоқатли, жасур инсонлар этиб тарбиялашда биз сизларни доимо ўрнак деб биламиз ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Жонажон юртимизнинг файзу фариштаси бўлган сиз, азизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш учун бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қиламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун Ғалаба байрамининг 75 йиллигини нишонлар эканмиз, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида такрор ва такрор ўйлашимиз албатта табиийдир.

Мен аввалги чиқишларимда эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жамоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратган эдим. Бугун мамнуният билан айтмоқчиманки, кейинги йилларда ушбу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширдик.

Аввало, илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ Иттифоқ республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Ана шундай илмий изланишлар натижасида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қаҳрамон аждодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда улар оммавий ахборот воситаларида, китоб ва альбомларда кенг ёритилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Масалан, шу вақтга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди.

Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган.

Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келганини албатта адолатдан, деб бўлмайди.

Шунингдек, ўша даврда "қулоқ" сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам ҳаракатдаги армияга сафарбар этилгани маълум бўлди.

Шу борада яна баъзи рақамларни келтирмоқчиман: илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган.

Бундан ташқари, фронтда бедарак йўқолганлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ эмасди. Ҳозирги вақтда 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз урушда бедарак кетгани аниқланди.

Мана, даҳшатли урушда халқимиз қандай оғир йўқотиш ва талофотлар берган, қандай азоб-укубатларни бошидан кечирган!

Олиб борилган илмий изланишлар туфайли жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга асосан 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги Слава орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Мен мана шундай бебаҳо ҳақиқатни юзага чиқариб, адолатни қарор топтиришга катта ҳисса қўшган тарихчи олимларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларимизга катта раҳматлар айтаман. Айни вақтда уларни бу борадаги изланишларни давом эттиришга, мана шу Ғалаба боғидаги "Шон-шараф" музейини доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб боришга даъват этаман.

Ота-боболаримиз жасоратини чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида янги тарихий маълумотлар асосида ҳар йили 9 май байрами арафасида алоҳида китоб тайёрлаб, нашр этсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Оловли уруш йилларида бутун Ўзбекистон халқи **"Ҳамма нарса – фронт учун", "Ҳамма нарса – Ғалаба учун!"** деган ҳаётий эътиқод билан яшади. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айланди. Ўзбекистон халқи жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўп миллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилди ва ғоят қисқа фурсатда ишга туширилди. Минг-минглаб уруш қатнашчилари мамлакатимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволаниб шифо топдилар.

Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз бу одамларнинг барчасига чинакам меҳр ва эътибор кўрсатди, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўриб, юксак инсонпарварлик фазилатларини намоён этди.

Азиз дўстлар!

Инсоният тарихидаги энг даҳшатли қирғин – Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 75 йил тўлган бўлса-да, афсуски, ер юзининг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизга яқин ҳудудларда қарама-қаршилик, қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Шу сабабли биз доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, Ватанимиз қудрати, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада оширишимиз зарур.

Бугун биз сизлар билан биргаликда янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб этмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва осойишталикни асраш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришни биз энг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Бугунги улуғ айёмда фашизмга қарши курашга муносиб ҳисса қўшган қардош халқларни, барча эзгу ниятли инсонларни самимий табриклаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Ишончим комил, қаҳрамон аждодларимизнинг жасоратига содиқ бўлган олижаноб халқимиз тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни янада мустаҳкамлаш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Барчангизни яна бир бор буюк Ғалабанинг 75 йиллик байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни билан чин юракдан табриклайман.

Мана шундай мусаффо осмон, эркин ва озод ҳаёт учун курашларда ғолиб чиққан фахрийларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Мард ва матонатли халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

Ғалаба байрами барчамизга муборак бўлсин!

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Бошланиши 1-саҳифада

Юртимизда қолган аёллар, кексалар, ёш болалар ҳам чинакам қаҳрамонлик кўрсатганлар. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одам ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз меҳнат қилган. Республикамиздан жанг майдонларига самолёт ва танклар, қурол-яроғ, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб турилган.

Минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз уларга ўз уйидан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Элимизнинг бу жасорати, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик фазилатлари ҳали ҳамон шон-шараф мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда. Вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

"Шон-шараф" музейида ана шундай шонли тарих ўз ифодасини топган. Икки қаватдан иборат мазкур музей халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини намоён этувчи мажмуадир. Бу ерда тарихий факт ва воқеалар замонавий технологиялар, интерактив усуллар ёрдамида акс эттирилган.

Давлатимиз раҳбари музей экспозицияси билан танишди. Бу ердаги экспонатлар Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага катта ҳисса қўшган халқимизнинг жасоратини тараннум этишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади.

– Бу музейнинг пайдо бўлиши адолатнинг тикланиши демакдир. Тарихимизнинг бир қисми бўлган уруш воқеаларини бир жойда намоён этадиган бундай маскан йўқ эди. Бу ишлардан мақсад-муддаомиз – халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага қўшган буюк ҳиссасини тарихга муҳрлаб қўйиш, ёш авлодларга етказиш. Юз йиллардан кейин ҳам одамлар келиб, уруш воқеалари ва оқибатларини, тинчлик қадрини билиши керак, – деди Президент.

Музей олтита бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда республикамиз аҳолисининг фронтга сафарбар этилиши, жанг майдонларидаги жасорати акс эттирилган. Иккинчи бўлим "Ўзбекистон – фронт учун ишончли таянч қўрғони" деб номланган. Кейинги бўлимда уруш йилларида юртимиздаги илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни саклаш соҳалари намойиш этилган. Тўртинчи бўлим "Уруш ва ғалаба ҳақида хотиралар, халқнинг қувонч ва шодлиги" деб аталган бўлса, навбатдаги шўъбада уруш йилларидаги бадиий адабиёт, санъат ва матбуот ҳақида ҳикоя қилинган. «Мардлар жасорати мангу яшайди» номли олтинчи бўлимдан 33 жилдлик «Хотира» китоби, шунингдек, байрам муносабати билан нашр этилган китоб-альбом ва бошқа экспонатлар ўрин олган.

Шавкат Мирзиёев "Шон-шараф" музейида ҳар бир қўмондонликнинг ўз жойи бўлиши, илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг экспозицияларини тўлдириб бориш зарурлигини таъкидлади. Ҳарбий хизматчи ва курсантларни, ёшларни бу ерга олиб келиб, уларда мардлик, фидойилик руҳини шакллантириш бўйича тавсиялар берди.

"Шон-шараф" музейи архитектуравий жиҳатдан ҳам ноёб шаклда барпо этилган. Биринчи ва иккинчи қаватлардаги экспонатлар орқали беомон жанг манзаралари, боболаримизнинг қаҳрамонликлари, фронт ортида қолган юртдошларимизнинг машаққатли меҳнати, госпиталлар, хатлар, турли-туман ҳужжатлар ва бошқа ашёлар билан танишиш мумкин. Музейнинг том қисмида генерал Собир Раҳимов ҳамда Иккинчи жаҳон урушида мислсиз жасорат кўрсатган қаҳрамонларимиз ҳайкаллари қад ростлаган бўлиб, бу ерга иккинчи қаватдаги зиналар орқали чиқилади. Бу ердаги майдончадан бутун боғ кафтдек кўринади. Сўнгра ташқи томондан қараганда ўзига хос тепаликдан айлана йўлак бўйлаб тушилади. Йўлак четларига урушда орден ва медаллар билан тақдирланган ўзбек ўғлонларининг исм-шарифлари битилган лавҳлар ўрнатилган бўлиб, бу бугунги авлодларда аждодларимизнинг ўлмас хотирасига эҳтиром туйғусини уйғотади.

Давлатимиз раҳбари боғдаги «Кўз ёши» мажмуасини ҳам кўздан кечирди. Кўз шаклидаги бу бадиий мажмуада урушнинг мудҳишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамлар бирлиги ифодаланган.

Боғ ҳудудида бир нечта мармар деворларда композицион паннолар барпо этилган. Уларда саркарда боболаримиз тарихидан лавҳалар, Иккинчи жаҳон урушига оид энг муҳим маълумотлар, миллий армиямизнинг ҳозирги жанговар ҳолати акс эттирилган. Уруш йилларидаги куй-қўшиклар ва хабарлар асосида тарихий муҳит жонлантирилган.

Ғалаба боғидаги амфитеатрда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Маросимда уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар жам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриклади.

Бу йил карантин туфайли уруш ва меҳнат фахрийларининг аксарияти байрамни ўз уйларида нишонлади. Улар телевидение орқали тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб борди.

Давлатимиз раҳбари байрам тадбирига келган уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади. Нуронийлар юртимизга тинчлик-осойишталик, элимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.



Тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, ҳарбий округлардаги байрам иштирокчиларига намойиш қилинди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан видеоалоқа тизими орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Ғалаба боғининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

Боғда Иккинчи жаҳон уруши давридаги композициялар инсталляцияси, жумладан, темир йўл вокзали, окоплар барпо этилган, ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар қўргазмага қўйилган. Давлатимиз раҳбари ушбу техникаларни ҳам кўздан кечирди.

Ғалаба боғида аҳолининг тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмунли дам олиш, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Мазкур боғ Ватанга садоқат, ўз ҳаётини тинчлик ва озодлик учун фидо қилган инсонларнинг ўлмас жасорати ва ёрқин хотираси олдидаги юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалий намунаси бўлиб қолади.

* * *

Давлатимиз раҳбари шу куни Тошкент шаҳри Чилонзор туманида барпо этилган Иккинчи перинатал марказни ҳам бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 ноябрдаги қарорига мувофиқ репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга тиббий ёрдам сифати оширилиб, қўлами кенгайтирилмоқда.

Перинатал марказда илғор клиникалар тажрибаси асосида энг замонавий қулайликлар яратилган. Магнит резонанс тамограф, рақамли рентген, ультратовуш текширув аппарати, кольпоскоп, гисетроскоп, электроэнцефалограф, электрокардиограф, лаборатор ва физиотерапевтик ускуналар билан жиҳозланган. Марказнинг биринчи қаватида кўп тармоқли поликлиника, юқори қаватларида беморлар хонаси ва умумий амалиёт хоналари, жумладан, чақалоқлар реанимация бўлими жойлашган. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 140 нафар беморни даволаш мумкин.

Президентимиз тиббиёт марказида яратилган шароитлар билан танишди. Askdoctor.uz онлайн поликлиника дастури орқали шифокорлар билан мулоқот қилди.

– Коронавирус пандемияси кўзимизни очди. Тиббиётда ахборот технологиялари қанчалик муҳимлигини кўрсатди. Лекин бу бўйича шароитлар ҳам, ходимларнинг малакаси ҳам ҳали етарли эмас. Шу боис ривожланган давлатлар тажрибаси асосида дастур ишлаб чиқиб, телемедицинани жадал ривожлантириш керак. Бу вақт ва харажатни тежайди, эпидемиологик хавфсизликни ҳам таъминлайди. Яна юқумли касалликлар тарқалмаслиги учун огоҳ, ҳушёр, тайёр бўлишимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Масофавий технологияларни туман шифохоналари, қишлоқ поликлиникаларида ҳам боскичма-босқич жорий этиш, тиббиёт ходимлари ва аҳолини ундан фойдаланишга ўргатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Перинатал марказнинг 100 ўринли мажлислар залида юртимиз ва хориждаги мутахассислар билан видеоконференциялар ўтказиш имконияти яратилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур зални кўздан кечирди. Ҳар бир клиниканинг чет элда ҳамкори бўлиши кераклигини таъкидлади.

Марказ биноси инновацион қурилиш материаллари асосида сифатли ва энергиятежамкор қилиб барпо этилган. Шошилинч тиббий ёрдам ҳолатлари учун барча қулайликлар инобатга олинган. Бу эса аҳолига давлат даражасида кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликнинг ифодасидир.

ЎзА

Сардоба сув омбори Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг чўл ҳудудида жойлашган туманларни оби ҳаёт билан таъминлашдек эзгу мақсадда бунёд этилган. Сардобада тўпланган оби ҳаёт кун келиб сирдарёликлар бошига ташвиш тўғдириши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

МЕҲРИНГИЗГА ТАЯНИБ...

Тўғоннинг ўпирилиши оқибатида Сирдарё вилояти Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманлари аҳолисининг томоркалари, боғлари, минглаб гектар экин майдонлари ва буғдойзорларга катта талофат етди, минглаб чорва моллари нобуд бўлди. Тошқинда 22 та аҳоли яшаш манзили, маҳаллалар жиддий зарар кўрди, минглаб оилалар шошилинч кўчирилди.

Тошкин аввалига Сирдарё вилояти иқтисодиётига жиддий зарар етказиб, вилоят аҳолисини саросимага солиб қўйди. Лекин аҳолини зудлик билан бехавотир жойларга кўчириш, одамлар хотиржамлигини таъминлаш, саломатлигини назоратга олиш, аҳоли кўчирилган жойларда барча шарт-шароитларни яратиш, иссиқ овқат ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармон воситалари етказиб берилиши сингари биринчи навбатдаги долзарб вазифалар уюшқоқлик билан амалга оширилди. Афсуски, мушкул вазиятга тушиб қолган одамларга ёрдамга келган икки нафар миллий гвардия ходими ва маҳаллий аҳоли орасидан икки киши ҳалок бўлди, бир киши бедарак йўқолди.

2020 йил 1 май куни сув тошқини босшланган ҳудудга мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев зудлик билан етиб келиб, вилоят жамоатчилиги, фаоллари, оқсоқоллар, депутатлар, тадбиркорлар билан учрашиб, аниқ кўрсатмалар берди, биринчи навбатдаги вазифа аҳолини, аёллар ва болаларни тинч жойларга кўчириб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, фалокатдан жабр кўрган аҳоли шошилинч равишда Сирдарё вилоятининг Янгиер ва Гулистон шаҳарларига, Мирзаобод туманига, Жиззах вилоятининг Жиззах, Ғагарин шаҳарлари ҳамда Пахтакор, Мирзачўл туманларига кўчирилди. Уларнинг вақтинча яшаб туришлари учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилди. Фалокатдан жабрланган бирорта инсон, бирор хонадон, ҳеч бир оила эътибордан четда қолмади.

Мамлакатимиз Президенти тошқин оқибатида юзага келган вазиятни атрофлича ўрганиб, воқеа содир бўлган жойда бўлиб, сув босган қишлоқларни кўриб, биринчи навбатда бажариладиган ишлар кўламини сарҳисоб қилгач, 2 май куни Гулистон шаҳрида вилоят фаоллари учун ўтказилган йиғилишда қуйидаги сўзларни таъкидлаб ўтди: "Сирдарёликлар бошига тушган бу оғир фалокатнинг барча оқибатлари батамом бартараф этилгунга қадар, мен сирдарёликлар билан биргаман. Насиб этса, сув тошқинидан зарар кўрган аҳоли пунктлари ўрнида янги, гўзал, замонавий ва кўркам обод қишлоқлар бунёд этамиз".

Синовли қунларда халқимиз ҳеч қачон бир-бирини ёлғизлатиб қўймаган. Коронавирус пандемияси бошлангандан буён юртдошларимиз бир-бирини қўллаб-қувватлаб, бир-бирига кўмаклашиб, мўҳтож оилаларга ёрдам қўлини чўзиб, инсонийлик, хайру саховат, савоб ишларни давом эттираётган эди. Бутун мамлакатимиз бўйлаб, жумладан, Сирдарёда ҳам "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати кенг қулоч ёйиб, ҳар бир тадбиркор, ҳар бир депутат, ҳар бир раҳбар, имкони бор саховатли кишилар камида биттадан ёрдамга муҳтож, ногирони бор оилани оталиққа олганди.

Шундай пайтда ҳам сув тошқини оқибатида сирдарёликлар бошига тушган оғир мусибат ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Сирдарё аҳлининг ташвиши – бутун мамлакат аҳлининг ташвишига айланди, бу оғир синов бутун мамлакат аҳлини оёққа турғазди. Биз сирдарёликлар бағрикенг, меҳр-оқибатли юртдошларимизнинг қўллаб-қувватлаганини, беминнат кўмагини, ҳамдардлигини юрак-юракдан ҳис қилиб турибмиз.

Бизга қамарбаста бўлиб, аҳолини қутқариш ишларига сафарбар этилган барча инсонларга чин қалбдан миннатдорлигимизни билдирамиз. Юртбошимиз бошчилигида минглаб саховатли юртдошларимизнинг меҳр-муҳаббатига, инсоний ёрдамига суяниб қаддимиз тиклана бошлади.

Сув тошқини асоратлари бартараф этилган қишлоқларга аҳоли қайтмоқда. Ҳувиллаб қолган маҳаллаларда ҳаёт яна аста-секин изга тушмоқда. Синовли кунлардан сабр-бардош, қатъий ирода ва матонат, аҳиллик ва жипслик билан ўтяпмиз.

Ҳар куни вилоятимизга мамлакат пойтахти ва барча ҳудудлардан инсонпарварлик ёрдами карвонлари оқиб келмоқда. Сирдарёликлар бошига тушган ташвишли кунлар халқимизнинг юксак инсоний фазилатларини, меҳр-саховатини яна бир бор намоён этди. Бир-бирини қўллаган эл, бир-бирини суяган эл, бир-бирини асраган эл кам бўлмайди. Зотан, инсонлар бир-бирининг меҳрига суяниб, қудратли кучга айланади.

Шу кунларда тонгданоқ юртдошларимиз вақтинча яшаётган манзилларга ошиқамиз. Уларни соғ-саломат кўриб, тинчлигига гувоҳ бўлиб, хотиржам тортамиз. Кўчирилган аҳоли орасида ҳомиладор аёллар, ёш болали оналар, ёрдамга муҳтож кексалар учун алоҳида жойлар ажратилди, етарлича шароитлар яратилди. Уларнинг саломатлиги фидойи шифокорлар назоратига олинди. Кўчирилганлар учун юборилган инсонпарварлик ёрдами орасида сифатли озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари телевизордан тортиб, болалар аравачаси, турли-туман ўйинчоқлар, китоблар, янги кийим-кечаклар, кўрпа-ёстиқлар, чойшаблар, қимматбаҳо гиламларгача бор. Халқимизнинг таниқли ижодкорлари, ардоқли санъаткорлари ҳар куни ташриф буюриб, юртдошларимизнинг дардига малҳам бўлиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишмоқда.

Насиб этса, яқин кунларда Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида юз берган фалокатнинг асоратлари батамом бартараф этилиб, аҳоли ўз уйларига қайтиб, осойишта ҳаётини давом эттиради. Тошқин оқибатида уй-жойидан ажралган юртдошларимизга эса, янги уйлар қуриб берилади. Ёруғ кунлар яқинлигига ишончимиз комил.

Қийин кунда бир майизни
қиркка бўлган эл,
Бир-бирини суяб-тиклаб,
тикка бўлган эл,
Мусибатда бир тану жон,
битта бўлган эл,
Бундай элни Яратган ҳам
қўллагувчидир.

Одамзотни яхши ният, имон асрайди,
Балолардан, қазолардан омон асрайди,
Бир-бирини қўллаганни замон асрайди,
Бундай элни Яратган ҳам
қўллагувчидир.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг
Сирдарё вилояти бўлими раҳбари,
сенатор

УМРИНГ УЗУН БЎЛСИН, ЭЙ ҲАЁТ, БОҒБОН

Салим Ашур

1941 ЙИЛ БАЛЛАДАСИ

Она кеча тўнғичини кузатди жангга.
Дўппидаги эрнинг ҳидини
кўксига босиб қолди ёш келин.
Ўғлон қадамидан кўтарилган чанг –
бева қисматдаги энг сарин эпкин.

Она эртага кенжасини
кузатади муҳорабага –
ажал билан мусобақага.
Ўзига жой сўраб қўяр мозордан.

Ҳали эркак бўлмаган йигит –
ялтиллаган, чириган чигит...

Шудгорни, чорвани, туёқни,
рангзордаги жами бўёқни
Она ёқди.
Боқди ўчоқни.

Қоқди супрасини ва қўрасини...
бугун жўрасини ва тўрасини
беради одамхўр урушга
(сиз ўйламанг – кино кўришга).

Она йиғлар.
Ичини тиғлар.
Қафасида юрак биғиллар.
Юзидаги икки булоқда,
икки тармоқ ва қўнғироқда
ёш эмас, қон эмас, оназанг,
суякларни сув этди жаранг.
Оналарни кўп кўрган кўча
аъмолидан буткул воз кечар.
Арикларнинг бўйида ўсган
чечакларнинг чироғи ўчар.

Эҳ, ақлдан озади дунё,
топиб беринг унга бир кимё.
Қуёш қўрқиб тоғларга қочар,
қишлоқ тўлиб оқар зим-зиё.

Ёқасини йиртади алам,
бундай аччиқ бўлмаган олам.
Лаънатларга ўхшаган фарёд:
"Ажалингга хуш боргин, болам..."
Қандай гўзал ўзбегим феъли!
Меҳр-шафқат, фидолиқ сели.
Оғир, оғир пайтда Онага
мадад бўлди ўзининг эли.

Дедиларки: "Омон узатгин,
эт-бетингни сал-пал тузатгин.
Эслаб юрар жангда сиймонгни,
кулиб борсин, кулиб кузатгин".

Жўнатмоқда ким бир ўғлини,
юпатади кимдир кўнглини.
Дард олади захмини дарднинг,
мард оналар бўлган, тўғрими?

Она деди: "Туш кўрдим ёмон,
ростин айтсам, таъбири гумон".
Чувиллашди ғамкаш оналар:
"Қилақолгин дардингни достон".

"...Ёнар эди тандирда олов,
дарвозадан чақирди биров.
Бориб-келиб қарасам, ўтда
икки ўғлим ёнарди лов-лов".

Тил тишлади оналар: аён...
бу ўринда ортиқча баён.
Маълум, тақдир икки ўғлонни
етаклайди қай томон, қаён.

Алдамади Онанинг туши...
Тушга ўхшар қолган турмуши.
Қайтмаганлар қайтмади. Қайтди
кимнинг олтин, кимнинг кумуши.

Маълум энди Она аҳволи...
поёнига етди аъмоли.

Ёниб турган тандир оғзидан
тушиб қолди куйган рўмоли...

Қисса битди. Қисса битмади.
Жисм йитди. Жонлар йитмади.
Ким минг дардга бир малҳам қўйса,
бобомерос юрт унутмади.

...эртага кенжасини кузатади урушга
(сиз ўйламанг – кино кўришга)...

ЕР ШАРИНИ ОЗГИНА ЧЎЗАЙЛИК

Майли, чекинмайлик,
Майли, бекинмайлик,
Майли, ечинмайлик,
шу текисликда,
шу эссизликда,
шу изсизликда,
озгина боқайлик,
озгина оқайлик,
озгина оғайлик
бешинчи ёнга –
Ердан ташқарига қараб ўсайлик.

Ер шарини озгина чўзайлик,
ўқлар отилмайдиган томонга.

ЎНИНЧИ МИНГЙИЛЛИКДА

Бугун биз яшаётган Ер шари
ўнинчи минг йилликда музейга,
улкан кўргазмага айланади.
Мен музейга қўйилган бўламан,
ойна тагида,
менга қўнган ғуборларни артади
оппоқ қўллар.
Келажак киради музейга –
ўшанда ҳам якшанба бўлади,
гид Келажакка мени таништиради:
– Мана инсон, бу ерда...
Болалар сўрайди:
– Тана аъзолари нима дегани?
– Инсонга тегишли ашёлар...
– Фикр, туйғу дегани нима?..
– Қақнус ва Семурғ сингари
афсонавий матоҳ...
– Ғалати сўз экан "уруш", нима у?
– Уруш қўшни бўлмага қўйилган,
чанг босган кир воқелик...

БУЮК – 75

41 йилда отилган сен ўқ,
отамнинг қабрида зангладингми ё?
Мен-ку сендан ҳали қутилганим йўқ,
сендан қутилмади жафокаш дунё.

Сен боис оғрийди то ҳануз Ватан,
оқ, қора хабарлар келар пешма-пеш.
Ҳаётни мўлжаллаб учсанг дафъатан
йўлингни тўсгайдир Буюк – 75!

Тарихга айланган мангу ёзувлар,
чалажон жангчидек кўтарар фарёд.
Қизил ўлкалардан келган оқ сувлар
билан келажакни боқади ҳаёт.

41 йилда 41- ўқ,
хотирадан кечган кўр кўзларни теш.
Сенга йўл, кўча йўқ, сенга исм йўқ.
Ҳаётга қалқондир Буюк – 75!

ҲАЁТ

Ҳаёт, бунча кўп ташвишинг,
Сени яхши кўраман.
Буюр – бўлса нима ишинг,
Хизматингда тураман.

Сени ташлаб кетмайман мен,
Сенга боғлиқман жуда.

Мени ташлаб кетмагин Сен,
Гоҳ хафа қилсам – чида.

Қабристонлар – сенинг ишинг,
Мен-чи, қаср қураман.
Жондай азиз тошу ғиштинг,
Сени яхши кўраман.

Ўлимни ҳам дўст тутайлик,
Кел, қўлингни бер, Ҳаёт!
Кел, Ажални унутайлик,
Ҳар ерда сен бўл бунёд.

Сойларингда қушдек учдим,
Тупроғингда белландим.
Осмонларни келди қучгим,
Юрагингга эландим.

Ўзбекистон, Сендан ортиқ,
Дўстни қайдан топаман!
Кўйлаклари ямоқ-йиртиқ
Болаликда чопаман.

Пахтазорлар, ғаллазорлар,
Қўзи туққан қўйларим...
Бешикзорлар, аллазорлар,
Карнай-сурнай тўйларим.

Арикларнинг қўшиғини
Ташлаб кетгим келмайди.
Юртнинг мендек ошиғини
Сендан бошқа билмайди.

Борлиқ – оддий экин-тикин,
Боғбон ўзингсан, Ҳаёт!
Сени ташлаб кетмайман, чин,
Қилганман-ку қасамёд.

Аравангнинг бир четида
Ғимир-ғимир-ғимирлай.
Қуёшнинг сен бор бетида
Қимир-қимир-қимирлай.

Қанча хафву хатарлардан
Омон сақладинг, наҳот.
Менга узоқ сафарларда
Ўзинг бўлгансан қанот.

Мен розиман – ҳаста, ғамгин
Умр билан сийладинг.
Тўлдирмоқчи бўлсам камин
Юрагимни тиймадинг.

Ватан надир, деса гумрох,
Юрагимга қил имо.
Севишимга Ўзинг гувох,
Севги – мураккаб имло.

Сен билан мен – урма фарёд,
Қиёматли жўраман.
Мени ташлаб кетма, Ҳаёт,
Сени яхши кўраман.

БАҲОР

Баҳор бузди қиш равишини,
Ўрнатди у янгича тартиб.
Ер остининг кўк қамишини
Ер устига чиқарди тортиб.
Ўнгирларнинг санчиқларини
Пилдираган сувларга қорди.
Ер остининг ажриқларини
Ер устига сочиб юборди.

Тоғлар қирди томоқларини,
Баҳор кўнди каму кўстига.
Ер остининг шамоқларини
Олиб чиқди ернинг устига.

Толдан ясаб шўх найларини,
Новдаларни бўғзидан сўйди.
Ер остининг ғумайларини,
Ер устида турғазиб қўйди.

Совураркан ёш дамларини,
Мозорларда қилди тантана.
Ер остининг одамларини
Ер остида қолдирди яна.

Бўзга қориб кўклам кимёни,
Ўрнатаркан янгича тартиб,
Кўрайин деб тоза дунёни,
Кўзларимни қўяман артиб...

ШУКУҲ

Шоир Эркин Воҳидов хотирасига

Жилдираган шўх ирмоқ
Баҳорларни уйғотди.
Ирмоқдек илдам сўқмоқ
Чўққига илдиз отди.

Гулдираган бир дарё
Уйғотолди тоғларни.
Ўчирди ширин тарёқ
Шеър кўксидан доғларни.

Кирди ҳаётга, руҳга
Сўз фаслининг қиш, ёзи.
Тўлди боқий шукуҳга
Ўзбегимнинг овози.

ВАТАН

Тарихларнинг қатида,
Битиктошлар хатида,
Ҳумо, Семурғ патида
Таралди хабарларинг.
Тоғлар ўсди пойингдан,
Дарё ўсди сойингдан,
Ватан, ўсган жойингдан
Яралди сафарларинг.

Ёвлар келди – бўзладинг,
Қонлар ютиб сўзладинг,
Озодликни кўзладинг,
Сен озод бўлдинг Ватан.
Фарзандларинг жон бўлди,
Эл-юрт жонажон бўлди,
Мадҳинг куй, достон бўлди,
Сен обод бўлдинг Ватан.

Ёмғирларинг, қорингни,
Қувончинг, озорингни,
Бошдан-оёқ борингни
Муқаддас билдим Ватан.
Маъно бўлиб сўзингга,
Киприк бўлиб кўзингга,
Сенга, сенга – ўзингга
Жон фидо қилдим Ватан.

Жаранглайди овозинг,
Бунча азиз қиш, ёзинг,
Менинг юксак парвозим –
Сен қанотимсан Ватан.
Болаликда югурдим,
Қўлингдан тутиб юрдим,
Пахтам каби оқ юртим,
Сен ҳаётимсан Ватан.

ОНА

Тўрт ўғилни ўстирди она,
Тўрт ўғилга берди жон ва сут
Тенг бўлинди: дунё – тўрт хона,
Тўрт хонага кирди ризқ ва қут.

Тўрт тарафга кетди тўрт ўғлон,
Бири Жануб, бири Шимолга.
Бири Шарққа, бири Ғарб томон,
Шерик бўлиб саркаш шамолга.

Мол-давлатга кетди бир ўғил,
Бири кураш, бири имонга.

Илҳом билан тузди-ю маҳфил,
Бири борди гул кўп бўстонга.

Қанча сувлар кетдилар оқиб,
Келди на хат ва на бир дарак.
Дарвозага тўртта кўз ёқиб,
Йўл қарайди муштипар юрак.

ҚОР ОДАМ

Қоронғи уйидан чиқди қор одам,
Уй ҳам отасидан қолган ғор, одам.

Бутун аждодлари билан ўтирса,
Ҳатто ўшанда ҳам келмас тор, одам.

Ана, боболари, бобокалонлар
Олов атрофида қўр – қатор одам.

Улар ўз ўрнида: улар ўрнида
Сарғиш суяклари интизор, одам.

Юлдузлар, япроклар,
сувда баликлар...
Билан тили битта – беғубор одам.

Шунчалар кучлими уят, ҳаёси,
Кўрсатмайди бизга ҳеч дийдор, одам.

Сира зарур эмас овқат дастури,
Нафсининг миқдори – шу меъёр, одам.

Бозорни билмайди, пулни кўрмаган,
Ёлғиз ўзи бозор, ҳам мозор, одам.

Ҳатто Худога ҳам шикоят қилмас,
Камтар насибадан миннатдор одам.

Ҳеч кимдан таънаю гинаси йўқдир,
Инчунун ҳеч қачон бўлмас хор, одам.

Узоқ қавмдошинг – инсонни кечир,
Агар асролмаса сени, зор одам.

У мени, мен уни излаб юрибман,
Тезроқ кўришсайдик, беозор одам.

Биз бормизми, йўқми,
буни билмайман,
Биламан, қор одам асли бор одам.

Шеърга тушганини яна, сездими,
Ғорга қайтиб кирди бетакрор одам.

ҚОРА ОҚҚУШЛАР

Оққушлар вафодор бўлади,
оққушлар содиқ ёр бўлади,
тўрт фаслнинг залворларида
бир-бирига интизор бўлади.

...Жой талашди оққушлар билан
қора кунда ўша одаммас,
етиб келди ўтиб жилғадан
шум қадам ва тоза қадаммас.

Қиликларни кўргани сайин
қора бўлди майин оқ тўшлар.
... айтиб бўлмас...
ўшандан кейин
пайдо бўлди қора оққушлар.

ЖАСОРАТ ЙЎЛИ

Ҳар йили 9 май яқинлашаверса, бобом билан боғлиқ хотиралар хаёлимда жонланади. У киши, босиқ, ўз касбини севадиган, фидойи муаллим эди. Аммо уруш хотиралари ҳақида сўрасак, оғир ўйга толар, ўша суронли кунлар ҳақида кўп гапиргиси келмас, баъзи саволларимизга: "Бизлар кўрдик, сизлар у кунларни асло кўрманглар", дерди. Бир куни газетада бобом тўғрисидаги мақолани ўқиб, у кишини қайта кашф қилдим. Бухоро вилояти Шофиркон туманидан урушга кетиб, бир оёғидан ажралиб қайтган, ёшлигини жанггоҳлар суронига алмашган, ундан ҳам оғири, яқин сафдошлари жон таслим қилаётганини кўриб, қалби изтиробга тушган Комил Олимов — менинг бобом эди.

К.Олимов генерал Собир Раҳимов қўмондонлигидаги дивизияда Кавказдан Шарқий Пруссиягача бўлган жанговар йўлни босиб ўтган. Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган хизматлари учун медаллар билан тақдирланган. Шиддатли жангларнинг бирида бир нечта фашистни ер тишлатган, ўзи ҳам ярадор бўлиб, хушини йўқотган. Ўшанда бобом бир оёғидан ажралса-да, тирик қолганига шукур қилган. Комил Олимов 1944 йили фронтдан қайтиб, Шофиркон туманидаги "Болалар уйи"да директор бўлиб ишлаган. Оилада кўпчилик бўлса-да, қишлоқ аҳолиси орасидаги етим-есирлардан бир нечтасини ўз карамоғига олган.

Янглишмасам, 3-синфда ўқирдим. Бир куни эрталаб мактабга кетаётсам онам қўлимга қоп-қора, ёнларига зарҳал югуртирилган ручка тутқазди: "Комил бобонг бердилар, беш баҳога ўқисин, деб айтдилар". Ручкада "Чортоқ" санаторийсидан" деган ёзув бор эди. Кейин билсам, бобом у ерга дам олгани бориб, 15 нафар набирасининг барчасига совға учун ручка олиб келган экан.

Бобом қўлтиқтаёқда енгил ва шаҳдам қадам ташларди. Фаришталы ва салобатли инсон эди. Уйимизда бобомнинг жўралари, қариндошларимиз кўп йиғилишар, суҳбат қилиб ўтиришарди. Доим бизни халоллик ва ростгўйликка чақирар эди. "Ўқи, билим ол, бировнинг ҳақини ема", деб кўп такрорларди. Бобом барча фарзандларини олий маълумотли қилди. Айниқса, бобом айтган бир гап умрбод эсимдан чиқмайди: "У кунлар бошқа қайтмасин, тинчлик-омонлик юртимизни асло тарк этмасин!"

Лобар ҚЎЧҚОРОВА

«СЕВГИ БИЛАН ҒОЛИБМАН ҲАР ОН!»



9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами арафасида маърифатпарвар халқимиз учун яна бир муносиб туҳфа тайёрланди. Ватанимиз ва халқимизнинг фидойи фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидовнинг "Севги билан ғолибман ҳар он!" номли шеърий китоби нашрдан чиқди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши кўпчилик қатори ёш журналист ва шоир Шароф Рашидовни ҳам ўз гирдобига тортди. У қонли уруш бошланиши билан биринчилар сафида фронтга отланиб, энг оловли нукталарда жанг қилди. Фронтда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун икки бор жанговар "Қизил юлдуз" ордени билан тақдирланди.

У қаттол ёвга қарши бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан курашди, шу йилларда уруш мавзусида ўнлаб ўтли шеърларини яратди.

Шоирнинг жангтоҳлардан туриб ўз суюкли ёрига, оқила ва мунис рафиқаси Хурсаной Рашидовага бағишлаб ёзган соф инсоний севги ва садоқат туйғуларини мадҳ этувчи шеърларига ҳам китобдан кенг ўрин берилган.

Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоат фонди томонидан нашрга тайёрланган мазкур тўпламдан шоирнинг ўқувчиларга яхши таниш бўлган, қўшиқларга айланиб, қалбларимизга кириб борган шеърлари билан бирга, унинг ижодий архивидан топилган, ҳали эълон қилинмаган ижод намуналари ҳам жой олгани аҳамиятлидир.

Ўз халқининг номини улуғлаб яшаган, эл-юрт манфаати учун жонини фидо этган буюк ва беназир инсон, халқимиз бугун муносиб иззат-ҳурмат билан хотирлаётган ардоқли адибимизнинг янги китоби ўқувчиларни мамнун этади, деган умиддамиз.

ЎзА

«БИЗ КЎРДИК, СИЗЛАР КЎРМАНГЛАР»

Эзгулик ва адолат учун машаққатли курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини кўрсатиб, бугунги тинч, осуда кунларга эришиш йўлида жонини фидо қилган аждодларимиз хотирасини ёд этиш халқимизга хос азалий қадриятдир. Инсоният бошига мислсиз мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши тарихдаги энг даҳшатли фожиа бўлганини ҳеч ким унутмайди.



Биз, бугунги авлод ўтганларни хотирлаб, руҳларини шод этиш, ҳозирги кунда ҳаёт кечираётган уруш қатнашчиларининг ҳурматларини жойига қўйишга ҳаракат қиламиз.

Қашқадарё вилояти, Касби туманидан 4700 нафар йигит урушга кетиб, шундан 3500 нафари соғ-саломат қайтиб келган. Бугунги кунда улардан тўрт нафари ўз фарзандлари ва қолаверса, давлатимизнинг ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Муғлонлик Хайрулла Шерматов, Хўжакасби маҳалласидан Исохон Азизов, майманоқлик Мирзо Жўраев, деновлик Эрка Назаров шулар сирасидандир.

Исохон бобо Азизов 1926 йилда Хўжакасби қишлоғида туғилган. Машъум уруш уч акасидан сўнг Исохонни ҳам фашист газандаларига қарши жангга чорлади. Дастлаб Чирчиқда ҳарбий тайёргарликни ўтагандан сўнг полвонсифат жангчи Исохонни артиллерия қисмига қабул қилишди. У Франкфурт, Магдебург ва Берлин шаҳарлари учун бўлган жангларда фаол қатнашди. Исохон ғалабадан сўнг яна беш йил хизмат қилиб, 1950 йилда она юртига қайтиб келди. Шу йили Қарши шаҳридаги педагогика билим юртига сиртдан ўқишга кирди. Кейинчалик олий ўқув юртида сиртдан ўқиди ва қарийб эллик йил мактабда ўқувчиларга сабоқ берди. Бугунги кунда 8 нафар фарзанднинг отаси, кўплаб невара, чевараларнинг суюкли бобоси бўлиб, улар ардоғида яшаб келмоқда.

– Эй, жўражон, – дейди Исохон бобо билан ёнма-ён ўтирган Эрка бобо уруш йилларини хотирлаб, – 1944 йилда ҳарбийга чақирилдим. Жангни пиёда қисм сафида Польшадан бошлаганман. Насибам узилмаган экан, 1950 йилда она юртга қайтиб келиб, 1954 йилдан 1986 йилгача "Қашқадарё" хўжалигида мол боқиб, қўлдан келганча хизмат қилдик. 1953 йилда момонгиз Шакарой Ҳожиевага уйландим. Беш нафар фарзанд кўрдик. Барини вояга етказиб, уйли-жойли қилдик.

— Мактабни битиргач, Қарши шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кирганман, – дея гурунгга қўр берди майманоқлик Мирза Жўраев. — Бир йил ўқир-ўқимас, уруш бошланиб қолди. Ўшанда йигирма ёшда эдим, мени ҳарбийга чақиришди. Сталинград ва Смоленск шаҳарлари учун бўлган жангларда қатнашдим.

1944 йил кеч куз эди. Жангга кирдик. Олдинда пўлат қалқон – танклар кетяпти, изидан пиёда қўшин – бизлар чопиб боряпмиз. Атроф чанг-тўзон. Душман самолётлари учиб келиб, устимизга бомба ёғдирди. Ёнгинамда снаряд портлади. Тупроқ тагида қолдим, дарҳол турдим-да, олға интилдим. Бироқ қулоғим ҳеч нарсани эшитмасди. Тўсатдан елкам жизиллади-ю, бутун танамни олов чулғади. Ерга йиқилдим. Елкамдан кирган ўқ ўнг қўлимнинг курагини мажақлаб юборган экан. Кўп қон йўқотдим. Ҳушимдан кетибман. Кўзимни очсам, Рязань госпиталида ётибман. Госпиталдан чиққанимдан сўнг ҳарбий тиббий кўрик мени иккинчи гуруҳ ногирони деб топди ва уйга қайтишга рухсат берилди.

Урушдан қайтиб келганимдан сўнг мактабда ўқитувчилик қилдим. 60 йил ўқувчиларга дарс бердим. "Халқ маорифи аълочиси" деган юксак нишонга сазовор бўлдим. Тинчлик йилларида қишлоқда аҳоли сони ортиб борди. Аввалги мактаблар энди торлик қилиб қолди. Мустақиллик йилларида қишлоқда 624 ўринли мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси қурилди. Она қишлоғимизнинг тарихини ёритиш мақсадида "Майманоғим – саждагоҳим" ва "Қадимий манзилгоҳ" номли китобларимни нашр эттирдим. Бугун бахтлилардан бахтлиман. Тўрт ўғлим, уч қизим бор. Улар ўзларидан тиниб-тинчиб кетган. 64 та невара, 5 та чевара, 81 та эварам бор. Шундай дориломон кунларга етказганига беҳисоб шукроналар айтаман.

Навбатдаги суҳбатдошимиз Хайрулла бобо гурунгни давом эттиради:

– Урушни бизлар кўрдик, сизлар кўрманглар! Уруш — инсоният душмани. Мен 1943 йилда 17 ёшимда ҳарбий комиссариатга ариза ёздим-да, урушга кетдим. 2-Белоруссия фронтининг ўқчи полкида бўлинма командири бўлиб хизмат қилганман. Урушни, ўлимни, ажал билан ҳаёт олишувини ўз кўзим билан кўрганман. Бир нарсани кўп қузатдим: уруш бўладиган жойда на парранда, на бирор жонивор, ҳатто ёввойи ҳайвон ҳам бўлмас экан. Портлашлар, автоматларнинг тариллаши, самолётларнинг овози, одамларнинг ҳайқириғи қўшилиб, шундай бир ваҳимали сурон ҳосил қиладики, унга фақат инсон бардош берар экан.

Шу кунларда ўзининг 94 баҳорини қаршилаётган, 7 ўғил, 4 қизнинг меҳрибон падари бузруквори, 80 нафардан зиёд набирасининг суюкли бобоси, уруш ва меҳнат фахрийси Хайрулла бобо ва у кишининг қуролдош дўстлари билан бўлган унутилмас учрашувдан қайтар эканмиз, беихтиёр ҳаёлга толаман. Дунёнинг қайсидир бурчакларида ҳали-ҳамон уруш давом этаётир. Ер-сув, юрт талашиб, ўзининг ёвуз ниятларига етмоқ йўлида ҳеч бир разилликдан қайтмайдиган кимсаларга Худонинг ўзи инсоф берсин.

Ахмаджон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ҳайдар НАФАСОВ.

Дунё гуллар тароватига тўлган, ишкомлардаги узумлар шира тортиб, барглар орасидан мўралаган, тоғлар оппоқ бошини ҳар тонг чиқаётган қуёшга тоблаб жилоланган фаслда тун бўйи бешикда ётган боласини тебратиб, кўзи илинган оналар оромини момоқалдироқ гумбурлагандай хабар чилпарчин қилди. "Диққат, диққат! Москвадан гапирамиз. Москвадан гапирамиз! 1941 йил 22 июнь тонг саҳарда немис-фашист босқинчилари давлатимиз чегаралари-ни хоинона бузиб ўтди".

МАНГУ ТИРИК ҚОЯНГИЗМАН

1941 йил 23 июнда мамлакат бўйлаб оммавий сафарбарлик эълон қилинди. Оламни йиғи-сиғи, видолашув овозлари босиб кетди. Кўп қатори Салимбой отанинг дарвозаси ҳам қаттиқ тақиллади: "Салимов Раҳмонберди, тезроқ... Бугунги рўйхатга киритилган...".

Дарвоза олдида қўлида чақирув қоғози билан турган ҳарбийни кўриб, ота тош қотди: "Ўғлим ҳали мактабда-ку...Ўнинчи синфда ўқияпти...".

– Чақиринг, тез келсин. Буйруқ бор. Сизга икки соат муҳлат.

Бу биз болаликда такрор-такрор эшитган туганмас ҳикоялар...

Воқеанинг қолганини Ҳури опам давом эттиради: "Раҳмонберди амаким жуда ювош, ақлли ўспирин эди. Қошлари қуюқ, кўзлари катта-катта, билаги кучли, бувамнинг ўнг қўли бўлиб қолган эди-да. Ўшанда мактабдан келди-ю, портфелини бир ёнга отиб юборди. Кўзлари тўла жиққа ёш, гапиролмай ора-сира: сенми, шошмай тур, қон қусгур фашист, дерди. Бувам қаердандир катта эски этик топиб келди. Оёғига пайтава ўрар экан, амаким тинмай бош чайқарди. Паркентда Рихси отин номи билан машҳур бўлган аёл – бувимнинг ранглари бўздек окариб, бир сўз деёлмас, кўзини Раҳмонберди амакимдан олмас эди".

Раҳматли Нисоби аммам эса шундай ҳикоя қиларди: "Уйимизнинг орқасида мактаб майдончаси бўларди. Раҳмонберди уйга кирмади, тўкилиб ётган девор ортида туриб: "Опа, мен кетяпман, хайрлашгани келдим. Қайта кўришолмасак, дийдор қиёматга қолади", деди. Мен фарёд чекканимча, укамнинг қўлини зўрға силашга улгурдим. У қушдек учиб кетди. Укагинамни бошқа қайтиб кўрмадим...".

Ўша даҳшатли йилларда биргина Тошкент вилоятидан икки юз мингдан зиёд ёвқур йигитлар жангга кетди. Уларнинг орасида 1924 йилда туғилган, болалигидан отасидай миришкор боғбон бўлишни орзу қилган, эндигина ўн етти ёшга тўлган, ҳали ўнинчи синфни тугатмаган Раҳмонберди Салимов ҳам бор эди.

Фашист қўшинлари еру осмонда ажал уруғларини сочар, шаҳар ва қишлоқларни ёндириб, кулини кўкка совурарди.

"Ассалому алайкум, азиз отажоним, меҳрибон онажоним, жигарларим! Узоқ хат ёзолмайман, иложим йўқ. Мен дастлаб жангга кирганимда туш кўраяпман, деб ўйладим. Йўқ, туш эмас, ўнгим экан. Кўз олдимда дўстларим, сафдошларим ҳалок бўлди. Еру кўкда қиёмат кўпганга ўхшади. Узилиб кетган қўллар, оёқлар, қалашиб ётган ярадор жангчилар, қўлимизда жон бераётган ҳамюртлар... Бироқ барчамизнинг қалбимизда тобора гуриллаб ёнаётган қасос ўти бор.

То тирикман, она юртим,
Сор лочининг бўламан.
Ўлсам, сен деб, чўққиларга
Бошим қўйиб ўламан.

Сизларни соғиндим. Яна ёзаман.

1941 йил, декабрь."

Бу пайтда фашист босқинчилари босиб олган Белоруссия, Украина, Россия ҳудудларидан завод-фабрикалар мамлакатимизга кўчириб олиб келинарди. Корхоналарнинг тезда қуриб битирилиши ва ишга туширилишида, фронтга қурол-аслаҳа етказиб беришни жадаллаштиришда етти ёшдан етмиш ёшгача оёққа турди. Кун бўйи бир ҳўплам сув ичиб, очликдан силласи қуриса ҳам дастгоҳ ёнидан кетмаган аёллар, ўсмирлар, қарияларнинг машаққатли меҳнати мангуликка дахлдор, албатта. Халқимизнинг иссиқ бағрига уруш оловларидан аранг жон сақлаган минглаб етим болаларнинг бош қўйиши, паноҳсиз қолган болаларни меҳр-муҳаббат, бағрикенглик билан вояга етказилиши ёзса тугамайдиган жасоратнинг мангу достонидир.

"Азиз отажоним, азиз онажоним! Жигарларим! Бахтимга соғ бўлинг. Уруш тезда тугасин-у, дийдорлашайлик. Жанг аёвсиз экан. Вайрон бўлган шаҳар-қишлоқларни, танк мажақлаб кетган гўдакларни кўриб, юрагим ёмон бўлди. Ҳар куни мактабдан келишимни интизорлик билан кутиб ўтирадиган жиянларимни эсладим. Сизнинг дуоларингиз мени кўп марта ўлимдан асраб қолди, онажон! Онажон, отам менсиз қийналиб қолмадими? Меҳрибоним, кўп куюнманг. Яхши кунларда кўришамиз.

1942 йил, сентябрь."

Уруш – қора кузғун қанотини ёйиб учишда давом этаверди. Ўзбекистон халқи тунни тонгга улаб меҳнат қилди. Мудофаа учун, ғалаба учун жон олиб, жон берди. Қир-адирларда денгиздек шовуллаб ётган буғдойзорнинг олтин дони – ун, буғдой ёрмалари фақат фронтга юборилди...

Аҳоли топширган миллион-миллион нақд пул, тилла-кумуш, заёмлар, иссиқ кийимлар, қўнжли ботинкалар, Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқарилган газламалар, далалардаги полиз маҳсулотлари, хўл-қуруқ меваларни, ёлларида бўрон гувиллаган минглаб тулпорлар... ҳаммаси фронт учун!

"Азиз отажоним, ғамхўрим онажоним! Жигарларим!

Бугун менга ҳам бир жуфт жун пайпоқ билан қўлқоп беришди. Паркентимнинг офтоби жону танимни иситгандай бўлди. Фашистларга бўш келмаяпмиз. Худо хоҳласа, олдингизга ёруғ юз – ғалаба билан қайтаман.

1942 йил, декабрь."

Бу умидлари қуёшни қучган ўспирин Раҳмонберди Салимовнинг сўнгги хати эди.

Қишнинг қаҳратон кунларида дарвоза асабий тақиллади. Эшикда худди айбдордек турган почтачи Салимбой отага учбурчак хат узатди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: "Салимов Раҳмонберди, 1924 йили Паркент қишлоғида туғилган. 1943 й. 03.01.да бедарак йўқолган".

Бундай нохуш дарак келтирувчи хатлар Еттикент бўйлаб сочилади. Жангда ҳалок бўлган, бедарак йўқолган... Жами 1467 та, улардан 607 таси Паркент қишлоғига келган.

Онам – Меҳринисо Салимова ҳикоясидан: "Раҳматли бувинг билан буванг Раҳмонберди амакингни то умрларининг охиригача кўзлари тўрт бўлиб кутди. "Меҳринисо, болам, овқатнинг олдидан бир косагина Раҳмонбердимга олиб қўй, ўраб қўйиш эсингдан чиқмасин. Иссиққина туради. Зора, келиб қолса...".

Орада яна бир паҳлавондек ўн тўққиз ёшли ўғлидан жудо бўлган бувижон олтмиш ёшга етиб-етмай бу фоний дунёни тарк этди. Жон таслим қилишидан олдинги ҳолати ёдимда муҳрланиб қолган: Онажон зўрға-зўрға нафас олар, лекин фикри тиниқ, гапидан сира адашмасди. "Ойижон, бизни ташлаб кетманг, шунча кўргуликларимиз каммиди, ойижон, сиз кетманг", дедим. Шунда ойим кўзларини базўр очиб, хиёл кулимсиради: "Меҳринисо, болам, қаранг, Раҳмонбердим келди. Кўлларимни силаяпти. Охири келди-я, бўйларингдан онанг ўргилсин, болам, шунча кутдирасанми?"

Мен бўғзимдан отилгудай нолани лабимни тишлаб тўхтатиб турдим, кўзларимдан қайноқ ёш тўхтовсиз оқди. Бир нафасдан сўнг қайнонам жимиб қолди. Бироқ лабининг четида ёқимли табассум қолди.

Салимбой буванг эса боғни айланиб, ҳеч кимга билдирмай, ўкраб-ўкраб йиғлаганини кўрганман. 93 ёшда жон таслим қилгунча икки кўзи эшикда бўлди".

Уруш еб тўймас аждарҳо каби Ер юзидан эллик миллион аҳолини супуриб кетди. Улар орасида Абдуллалар, Турдивойлар, Қурбоналилар, Фотиҳ, Ҳамид, Қодир, Абдурахим, Усмон, Иброҳим, Шукурали, Маманазар, Ҳайитбой каби халқимизнинг алп ўғлонлари бор эди. Умидлари осмон эди. Ҳаёт гулшанининг ҳали юз очмаган тоза чечаклари эди.

Болалик хотирамда амакимдан қолган: "Ота, сизнинг болангизман, дон сепилган далангизман", деган сатрлар ҳозиргача жонимни ёқади, абадул-абад она Ватан олдидаги қарздорлик ҳисларини ёдимга солаверади...

"Ота, сизнинг болангизман,
Дон сепилган далангизман...".
Тоғлар каби қўкрак керган
Пўлат зирҳли қалъангизман.
Тулпоримда тоғ ошаман,
Ҳузурингизга шошаман.
Мени болам, десангиз, бас,
Дарёларга уйқошаман.
Ота, сизнинг болангизман,
Тоғда ўсган лолангизман.
Қўлдаги қарчиғайингиз,
Ўқ ўтмаган танангизман.
Ота, сизнинг болангизман,
Қон силқиган ярангизман.
Болам, ўлди, деманг ота,
Мангу тирик қоянгизман!

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2020 йил январь сони



"Жаҳон адабиёти" журналининг 2020 йилдаги 1-сони нашрдан чиқди. Журнал ҳар галгидек ўз анъаналарига содиқ қолиб, янги йилда ҳам имкон қадар мухлисларни дунё адабиётининг энг сара асарлари билан таништиришда давом этаётир.

Хусусан, буюк рус адиби Лев Толстойнинг "Биринчи бўзагар" драматик комедияси (Н. Рашидова таржимаси), О. Гурьяннинг "Буюк Хитой девори" қиссаси (М. Маҳмудов ва З. Баҳриддинов таржимаси) фикримизга далил бўла олади.

"Жаҳон адабиёти дурдоналари" рукнида Э. Хемингуэйнинг "Борлиқ ва йўқлик" романи (Қ. Юсупова таржимаси), "Саргузашт. Фантастика. Детектив" рукнида эса Ш. Бронтенинг "Жейн Эйр" романи (Ш. Аҳророва таржимаси) ҳам журналхонлар томонидан катта қизиқиш билан мутолаа қилиниши тайин.

"Шеърият минтақалари" рукнида журналхонлар замонавий поляк шериятидан (Р. Саъдулло таржимаси) ва фин шериятидан (Р. Мусурмон таржимаси) намуналарни ўқийдилар.

Шунингдек, А. Мелибоевнинг "Буюк сакраш формуласи" сарлавҳали публицистик мақоласи, К. Юнгнинг "Улисс" эссеси (А. Отабой таржимаси) журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган асарлар сирасидандир.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Ҳамкоримиз: Ипгто akfa

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5029. Буюртма Г - 555.
Ҳажми - 2 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 00.45.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60